

“МУЖМАЛИ ФАСИХИЙ” МАНБАСИДА ТЕМУРИЙ МИРЗОЛАР

Бокиев А.А.

*Термиз давлат университети доценти*

**Аннотация:** Мазкур мақолада Фасих Аҳмад ибн Жалолоддин Муҳаммад ал-Ҳавофийнинг “Мужмали Фасихий” асаридаги Темурий мирзоларга оид генеалогик ва персонографик маълумотлар таҳлил этилади. Муаллиф манбадаги маълумотларни тизимлаштириш ва улар асосида маълумотлар базасини (ЎМИТХ) яратиш масалаларини ёритиб беради. Тадқиқотда Темурийлар шажарасининг хронологик доираси белгиланиб, Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақидаги турли хилдаги тарихий маълумотлар (таваллуд, сиёсий-ҳарбий фаолият, бунёдкорлик ва ҳоказо) категорияларга ажратилган ҳолда ўрганилади.

**Калит сўзлар:** Мужмали Фасихий, Фасих Аҳмад ибн Жалолоддин ал-Ҳавофий, Темурийлар, генеалогия, персонография, ёзма манба, маълумотлар базаси.

ТИМУРИДСКИЕ ПРИНЦЫ В ИСТОЧНИКЕ “МУДЖМАЛИ ФАСИХИ”

Бокиев А.А.,

*доцент Термезского государственного университета*

**Аннотация:** В данной статье анализируются генеалогические и персонографические сведения о тимуридских принцах (мирзах), содержащиеся в труде Фасиха Ахмада ибн Джалалиддина Мухаммада аль-Хавафи «Муджмали Фасихи». *Автор освещает вопросы систематизации данных источника и создания на их основе базы данных.* В исследовании определены хронологические рамки генеалогии Тимуридов, а также изучены различные виды исторических сведений (о рождении, военно-политической деятельности, созидательной работе и др.), касающихся Амира Тимура и его потомков, с их распределением по категориям.

**Ключевые слова:** «Муджмали Фасихи», Фасих Ахмад ибн Джалалиддин аль-Хавафи, Тимуриды, генеалогия, персонография, письменный источник, база данных.

TIMURID PRINCES IN THE SOURCE “MUJMALI FASIHI”

Bokiev A.A.

*Termez State University Associate Professor*

**Abstract:** This article analyzes the genealogical and personographic information regarding the Timurid princes (mirzas) found in the work "Mujmali Fasihi" by Fasih Ahmad ibn Jalaliddin Muhammad al-Khawafi. The author covers the issues of systematizing the data from the source and creating a database based on them. The study defines the chronological framework of the Timurid genealogy and examines various types of historical information (birth, political and military activities, construction works, etc.) related to Amir Timur and his descendants, categorized for further analysis.

**Keywords:** Mujmali Fasihi, Fasih Ahmad ibn Jalaliddin al-Khawafi, Timurids, genealogy, personography, written source, database.

XIV-XVI асрларда яратилган бир қатор ёзма манбаларда Темурий мирзолар ҳаётига доир қўплаб генеалогик ва персонографик маълумотлар учрайди. Бу манбалар орасида хронологик жиҳатдан “дунёнинг яратилиши- дан то ҳижрий 845/1441-1442 йилгача” бўлган тарихий воқеалар баён этилган “Мужмали Фасихий”нинг ўзига хос ўрни бор. Фасих Аҳмад ибн

Жалолоддин Муҳаммад ал-Ҳавофий қаламига мансуб форсийда битилган ва солномага хос бўлган бу манба дебоча, муқаддима, 2 та мақола ва хотимадан иборат. Асарнинг асосий қисмида араб халифалари, саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, ғурийлар, хоразмшоҳлар тўғрисида маълумот берилгач, Темурийлар даври тарихига батафсил тўхталиб ўтилган. Муаллиф томонидан тарихий воқеалар йилма-йил, даврий кетма-кетликда ёритилган бўлиб, манба катта ҳажмдаги информацион материалга эга. “Мужмали Фаси- хий” манбаси XIX асрнинг ўрталаридан буён шарқшунос олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келган. Жумладан, Б.А.Дорн, А. Берже, В.Р.Розен, Э.Г.Браун, Ч.А.Стори, В.В. Бартольд, И.П.Петрушевский, Х. Раверти, Абулхай Ҳабибий, Али Акбар Деххудо, А. М. Беленицкий, А. Ўринбоев, Садри Афшар, Муҳаммад Такий Дониш Паҷух, Ҳусейн Кариман, И. Имронов, Жаъфар Шиар, А. И. Фалина М. Фаррух, Д.Ю. Юсупова, Б. Аҳмедов, Т. Файзиев, Ҳ. Сатторий ва бошқаларнинг тадқиқотлари бунга мисол бўла олади. Мазкур мақолада “Мужмали Фасиҳий”да Темурий мирзоларга оид маълумотларни ЁМИТХ ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қилинади. Темурийлар шажарасининг манбадаги хронологик даври хижрий 736-845/1336-1442 йилларни қамраб олади. Генеалогик маълумотларнинг информацион чегарасини (қатламини) аниқлашда, манбада номлари қайд этиб ўтилган Темурий мирзоларнинг сонини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

“Мужмали Фасиҳий”да Амир Темурнинг шажараси муаллиф томонидан бироз ўзгартирилган 2 хил вариантларда келтириб ўтилган:

А) Амир Тарағай ибн Барқал ибн Илангири Ижил ибн Қоражор нўён ибн Суқу Сижон ибн Иримхои ибн Қожулай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунғур хон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотун;

Б) Амир Тарағай Муҳаммад ибн Барқал ибн Иланғир ибн Ийжил ибн Қора- жор нўён ибн Суқу Сейжон ибн Ирдамжи ибн Қожулай нўён ибн Туминай хон ибн Бойсунқур хон ибн Қайдухон ибн Дутум Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Аланкува-хотун;

Манбада Амир Темурнинг ўғиллари: амирзода Муҳаммад Жаҳонгир, амирзода Умаршайх баҳодир, амирзода Амироншоҳ баҳодир, Шохруҳ Баҳо- дирхонлар тўғрисида кўплаб тарихий маълумотлар ҳам учрайди. Фасиҳ Ҳавофий ўз асарида амир Темурнинг ўғил набиралари тўғрисида ҳам кўплаб генеалогик маълумотларни келтириб ўтган. Манбани ўрганиш давомида Темурийлардан амирзода Муҳаммад Султон, амирзода Халил Султон баҳо- дир, амирзода Пир Муҳаммад Кобулий (амирзода Жаҳонгирнинг ўғли), маҳдумзода Муҳаммад Тарағай Улуғбек, амирзода Пир Муҳаммад (амирзода Умаршайх баҳодирнинг ўғли), амирзода Иброҳим Султон, амирзода Рустам, Ғиёсиддин Бойсунғур Баҳодирхон, амирзода Искандар, маҳдумзода Ғиёсид- дин Муҳаммад Жўки баҳодир, амирзода Аҳмад Мирак, Сайди Аҳмад, Бой- каро, Абу Бакр, амирзода Умар, Ийжал, Суюрғатмиш (амирзода Амирон- шоҳнинг ўғли), Суюрғатмиш (Шохруҳ Баҳодирхоннинг ўғли), Жон Ўғлон, Муҳаммад Ёрийлар ҳақидаги маълумотлар учрайди. Шунингдек, манбада амир Темурнинг учинчи авлодлари ҳисобланган (чеваралари) Темурийлардан амирзода Жаҳонгир, амирзода Саъд Ваққос (амирзода Муҳаммад Султон ибн Жаҳонгирнинг ўғли), амирзода Яхё, Қайду, Холид, Саъд Ваққос (амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли), амирзода Санжар, амирзода Қайсар, Жаҳонгир, Умаршайх, Усмон, Султон Али, Илонғир, Усмон Жоди, амирзода Пир Али, маҳдумзода Рукнуддин Алоуддавла Аҳмад баҳодир, маҳдумзода амирзода Ибодуллоҳ, маҳдумзода Султон Муҳаммад (амирзода Бойсунғур Баҳодир ибн Шохруҳ

Баходирнинг ўғли), Султон Абу Исҳоқ, амирзода Абдуллох, махдумзода Абдуррахмон, амирзода Абулқосим, амирзода Муҳаммад Қосим, амирзода Али, махдумзода Муиззуддин Абу Бакр, амирзода Музаффар, амирзода Исмоил, амирзода Абдуллох, махдумзода Абулхорис Бойсунғур Баходирхон, шахзода Муҳаммад Бакр, шахзода Имоуддин султон Маъсуд, шахзода Муҳаммад Иброҳим ва амирзода Қорачарларнинг номлари ҳам келтириб ўтилган. “Мужмали Фасихий”да 70 га яқин Темурийларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги фаолиятлари ҳақида тарихий маълумотлар қайд этиб ўтилган. Бундан ташқари, исмлари қайд этиб ўтилмаган Темурийлар тўғрисида баъзи маълумотлар учрайди. Жумладан, амирзода Аҳмад Мирак ва амирзода Искандарларнинг ўғилларининг исмлари муаллиф томонидан келтириб ўтил- маган.

Манбада Темурий мирзо ва маликаларнинг ҳаётига оид кўплаб генеа- логик ва персонографик маълумотлар хронологик категория тарзида учрайди. Бу маълумотларни мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги типларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Темурий мирзо ва маликаларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг фарзандлари сони билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг ёшлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, хатна, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий маликаларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг ҳаётларидаги салбий ҳолатлар билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг сиёсий фаолиятлари билан боғлиқ маълумот- лар;
- Темурий мирзоларнинг ҳарбий фаолиятлари билан боғлиқ маълумот- лар;
- Темурий мирзоларнинг тахт учун ўзаро ва бошқа сиёсий кучлар билан курашларига доир маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг қишлоққа (қишлов) чиққанликлари тўғрисида- ги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг яйлоққа чиққанликлари тўғрисидаги маълумот- лар;
- Темурий мирзоларнинг шикорга чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг қушламишиёга чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг машхур авлиё ва анбиёларнинг мазорларини зиёрат қилганликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Ясоққа тортилган, ҳибсга олинган ёки бошқа тарзда жазоланган Темурий мирзолар ҳақидаги маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг вафот (қатл этилганликлари, ҳалок бўлганликлари ва ҳоказолар) саналари билан боғлиқ маълумотлар;
- Бошқа турдаги маълумотлар.

Манбадаги Темурийларга оид генеалогик маълумотларни типларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш натижасида “Мужмали Фасихий”нинг Темурий- лар шажарасига оид ЁМТМБси (Ёзма манбанинг туркум ланган маълумотлар базаси) ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида

ЁМИХТдаги уч босқичли тизимли таҳлилнинг биринчи босқичи амалга оширилади. Темурийлар даврига оид бирламчи ёзма манбалардаги маълумотларни категорияларга ажратиб ўрганиш натижасида уларни ўзаро таққослаш имконияти ҳам пайдо бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Ҳ. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. — Т.: «Шарқ». 2001. – Б. 63.
2. Амир Темур Курагон. Зафар йўли. – Т.: “Нур”, 1992.
3. Аҳмедов Бўрибой. Ўзбекистон тарихи манбалари (Қадимги замон ва ўрта асрлар): Тарих муаллимлари, талабалар ва юқори синф ўқувчилари учун қўлланма. — Т.: «Ўқитувчи», 2001. – Б. 176.
4. Боқиев А.А. ва бошқ. “Ёзма манбанинг информацион-технологик харита”сига доир илк мулоҳазалар (VI-XIX асрлар) // Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2015.
5. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403—1406) [Text] / Гонсалес, Руи Де Клавихо; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев. — Т.: «O‘zbekiston», 2010.
6. Temur tuzuklari / Amir Temur Ko‘ragon. — Т.: «Fan» nashriyoti, 2018.
7. Темур қиссаси: Амир Темур Кўрагон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2021. – Б. 56.
8. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз бошини У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. 1. — Т.: Мехнат, 1992.
9. Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (“Фасихов свод”) / Пер. с перс., примеч. и указат. Д. Ю. Юсуповой. — Ташкент, 1980.